

**“ВЮКИМУО” АЖ бошқарув органининг 13-сонли йиғилиш
БАЁННОМАСИ**

Янгийўл шахри

“ 22 ” декабрь 2023 йил

Йиғилиш қатнашчилари:	Бошқарув раиси	Р.А.Аликулов
	Бошқарув ʼзолари:	С.С.Шамшиев
		Ж.Р.Касимов
		К.А.Хусанов
		М.Ю.Каратаева
		Б.Д.Турбаев
		З.В.Унгарбаева

КУН ТАРТИБИ:

1. **“ВЮКИМУО” АЖ тизимида рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича 2024 йилга мўлжалланган “ЙЎЛ ХАРИТАСИ” тўғрисида.**

Йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан жамиятнинг “Комплаэнс” хизмати бошлиғи З.В.Унгарбаева сўзга чиқиб, жамиятимизда ишлаб чиқилган рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича 2024 йилга мўлжалланган **“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”** билан таништириб ўтди.

Республикамизнинг Рақобат қонунчилигига киритилаётган ўзгаришларни доимий равишда ўрганиб боришимизни, шунингдек, қонунчиликка киритилган ўзгартиришлардан келиб чиқиб, идоравий ҳужжатларни мувофиқлаштириш юзасидан ижроия органининг ҳар бир аъзоси фаол иштирок этиши бажбуриятилигини айтиб ўтди.

Корхона ходимлари орасида “Монополияга қарши қонунчилик ва унга амал қилиш” мавзусида семинарлар ва мулоқотлар ўтказиш корхона ходимлари орасида рақобат қонунчилиги ва унинг бузилиш эҳтимоллари ҳамда унга киритилаётган ўзгаришлар, янгиликлар тўғрисида семинар-тренинг машғулотларини ўтказиш ва ўтказилган тадбирларни ОАВлари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали доимий ёритиб бориш лозимлигини тушунтириб ўтди.

Жамият томонидан **танлов (тендер)** ва **биржа савдолари** ўтказилишида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъиян риоя этилишини таъкидлади. Шу билан биргаликда жамият (таркибий бўлинмалари) ва бошқа юридик шахслар ўртасида **шартномаларни** тузишда қуйидаги ҳолатларга йўл қўймасликга яъни:

- айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериш;

- айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаш;

- тил бириктириш ва картел келишувлар содир этилишининг олдини олиш.

Монопол корхона томонидан сотиладиган, улар бўйича ушбу субъектнинг устун мавқеи эътироф этилган товарларга (ишларга, хизматларга) монопол юқори ва монопол паст нархлар ўрнатилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл бермаслигимизга такидлаб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари, бир овоздан

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. “ВЮКИМУО” АЖнинг 2024 йилга мўлжалланган рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш бўйича “Йўл харита”си тасдиқлансин ва жамият расмий веб сайтга жорий йилнинг 25 декабрь кунига қадар жойлаштирилсин.

2. Монополияга қарши курашиш органи билан доимий ахборот алмашувини амалга ошириш мақсадида, Монополияга қарши курашиш органи билан электрон почта, телеграм ва расмий веб-сайт орқали янги лойиҳа ва таклифлар бўйича ахборот алмашишни доимий равишда олиб борилсин.

Йиғилиш раиси




Р.А.Аликулов

Бошқарув аъзолари:

С.С.Шамшиев




Ж.Р.Касимов




Қ.А.Хусанов



М.Ю.Каратаева



Б.Д.Турбаев



З.В.Унгарбаева

